

фалсафасини чукур мушоҳада қилиб ўтиргандек таассурот уйғотади. Юзидаги ажинлар эса умри мобайнида минг бир машаққатларни кўрган кечирганлигидан далолат бериб турибди.

Бир қарашда асар композицияси оддий тасвирий ечимга эгадек, унда олис тоғ қишлоқларидаги ҳовлилардан бири тасвирланган. Асарнинг биринчи планида она образи, кейинги планларда эса дарахт, ҳовли, тоғлар ва осмон тасвирланганини кўришимиз мумкин. Лекин асарнинг бадий ечимда шу даражада юксак ифодаларни кўришимиз мумкин бундан ҳайратланмасликнинг иложи йўқ. Асарда она образининг (персонаж)нинг ички олами, ўй фикрлари, кечинмалари билан бирга санъат атрибутлари ўртасида яхлит композицион уйғунлик мавжуд. Санъат атрибутлари ёрдамида бадий, мантикий жиҳатлари она образига (персонаж) мос равишда таъсирчан, тўлақонли акс эттирилган.

Ҳовли ичида кўкариб турган гулга эътибор берадиган бўлсак. Бу гул фарзандларининг йўлига интизор ёлғиз онанинг қалбидаги илинж, ишонч, умид сифатида намоён бўлади. Онанинг иккита фарзанди уришга кетган ва қайтиб келмаган эди. Бироқ она фарзандларини ҳали ҳануз умид билан кутаётгани тасвирланган. Онахон елкалари билан суяниб ўтирган иккита болишни иккита фарзандига рамзий манода қиёслаш ҳам мумкин, зеро улар онанинг ишонганлари суянчлари эди. Мана шундай қайғу ичида онахоннинг кўнглига сиғдириб ҳовлига гул экиб уни парвариш қилиши бу мушкул бўлган бир ҳолат деб қараш мумкин. Шундай бўлсада, мусаввирнинг гулни тасвирлаши, бу асардаги бадий моҳиятини янада ошириб юборади. Мусаввир онанинг бошидан кечган воқеаларни яхши билган албатта. Азим дарахт тимсолида онахоннинг ҳаёти, ўтмиши, бугуни ва келажаги инсонийлик фазилатлари буюкликка, мангуликка даҳилдор эканлигини ифодалайди. Сувоқталаб эски уй ва тоғларнинг рангларидаги рамзий маъноларда ҳам, нур ва соя ўйинида ҳам онанинг

мунгли қиёфасига дарду қайғусига мос ҳолатни гул билан бирга уйғун маъноларни ўқиш мумкин.

Бир сўз билан айтганда бу асарда шарқона бир қиёфа, матонатли, сабр бардошли, қўллари қадок, меҳнаткаш донишманд аёлни кўрамиз. Асарнинг бу даражада тасирчан чиқишига, рассомнинг ўзи ҳам уруш даҳшатларининг гувоҳи бўлганлигидадир.

Санъатшунос Зилола Носирова бу асар ҳақида бундай фикрларни айтиб ўтади. Бу асарни Леанордо да Винчининг “Монализа” асарига, Рафел ва Микеланджелонинг “Мадонналари” қаторига қўйиш ҳам мумкин. Чунки ҳақиқатдан ҳам, агар бу ерда Европа рассомларида аёлларини ўша мадонналари гўзал ишланган бўлса. Аммо Раҳим Аҳмедов айнан шарқ аёлининг донишмандлигини юқори қўйган ва шу асосида шарқ аёлларининг гўзаллигини етказиб бера олган.

Бу асардаги ранг, шакл, тасвир ва мазмун уйғунлиги Раҳим Аҳмедовнинг ижодий услубигагина хос деб бемалол айта олишимиз мумкин.

Демак Раҳим Аҳмедовнинг маҳорати, малакаси, ва истедоди мана шу “Она ўйлари” асарида яққол намоён бўлган.

Бундай санъат асарларининг яратилиш жараёни, рассомнинг ижодий фаолияти, ва асарларни бу даржада моҳирона тасвирланишидан ҳулоса қилиб шу нарсани ҳам айтишимиз мумкин. Санъат асарларининг яратилиши, унда ижодкор услуби илоҳий илҳомланиш лаҳзаларини таҳлил ва тадқиқ қилиш муҳимдир.

Бадий таҳлил асосларини олий ва ўртамаҳсул таълим муассасалари тасвирий санъат машғулотида аниқ тизим асосида чуқурлаштириб ўтилса ёшларнинг маънавий тарбиясида ижобий натижаларга эришилади. Умумий ўрта таълим мактаблари учун ҳам тасвирий санъат асарлари жамланмасини яратиб альбом тарзда қўшимча адабиётлар ҳам тақдим этилиши зарурдир. Демак бошқа фанлар қатори тасвирий санъатда ҳам янги авлод адабиётини яратиш бугунги кунда энг долзарб масалалардан ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Арасту. Поэтика. Ахлоки кабир. Риторика. -Т.: «Янги аср авлоди», 2011, 154-б.
2. Булатов С., Толипов Н. Гўзаллик фалсафаси. -Т.: Фан ва технология, 2008.

Ушбу мақолада тасвирий санъат асарларининг ёшлар тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти, асарларни бадий, илмий таҳлил қилиш асосларининг долзарблиги ҳақида сўз боради. Шунингдек, Раҳим Аҳмедовнинг “Она ўйлари” асари таҳлил қилиниб, булар ҳақида бадий, фалсафий, мантикий ҳулосалар, асослар келтирилган.

РЕЗЮМЕ

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются вопросы актуальности художественного и научного анализа произведений изобразительного искусства в воспитании молодёжи. Также проанализировано произведение «Материнские мысли» Рахима Ахмедова и даны художественные, философские, логические выводы и основания.

SUMMARY

The article discusses the importance of the literary-artistic and scientific analysis of works of art in the education of the youth. The author also analyzed the work "Maternal Thoughts" by Rakhim Akhmedov and gave artistic, philosophical, logical conclusions and foundations.

ТАЪЛИМНИ АХБОРОТЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА РАҲБАР КАДРЛАР БОШҚАРУВ КОМПЕТЕНЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДИК АСОСЛАРИ

Ғ.Р.Отамуродов – педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори
Ё.С.Эргашев – физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори
Олий таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик маркази

Таянч сўзлар: ахборот, технология, раҳбар, компетентлик, интеграция.

Ключевые слова: информация, технология, лидер, компетентность, интеграция.

Key words: information, technology, leader, competency, integration.

Таълимни ахборотлаштириш ҳозирги кунда жамият тараққиётининг энг муҳим ва долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Ахборот технологияларининг тараққий этиши ва ривожланиши таълимни ривожлантиришнинг замонавий ва уни ташкил этишдаги кўп сонли ёндашувларда муҳим аҳамиятга эга. Биринчи навбатда у таълим муассасаларининг инфраструктурасини, яъни таълим муассасасининг ахборот муҳитини ривожлантиришга қаратилади. Бунда замонавий ахборот сервисларини татбиқ этиш ва улар-

дан самарали фойдаланиш назарда тутилади. Замонавий ахборот технологияларининг таълимдаги муҳим вазифаларидан бири шундаки, у алоҳида педагогик масалаларни ечишда ишлатиладиган инструмент вазифасини бажариш билан биргаликда таълим беришининг инновацион имкониятларини таъминлайди, дидактика ва методикани ривожлантиришга ҳамда ўқитиш ва таълимнинг замонавий шакллари яратишда муҳим аҳамият касб этади. Ахборот технологияларининг ривожланиши ва унинг таълим жараёнига кенг татбиқ

этилиши таълим иштирокчиларига янги имкониятлар яратади, янгича ёндашувларни вужудга келтиради.

Олий таълим тизимида ўқув сифатини таъминлаш ва унинг самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, олий ўқув юртларида уни кенг жорий этишнинг аҳамияти катта. Таъкидлаш ўринлики, ҳозирги шароитда олий таълим тизимининг ривожланиб бораётганлиги, олий ўқув юртлари ўртасидаги интеграциянинг мавжудлиги ҳам ахборот технологиялари тўғрисида.

Олий таълим тизимини тўдан такомиллаштириш, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ўстувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, кадрлар тайёрлаш мазмунини тўдан қайта кўриш, халқаро стандартлар даражасига мос олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратилиши ҳозирги замон талаби бўлиб келмоқда.

Маълумки, таълимни ахборотлаштириш бу таълим ва тарбия жараёнларига ахборот маҳсулотлари, восита ва технологияларини жорий этиш асосида педагогик жараёнлар методологиясини такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Таълимни ахборотлаштиришнинг назарий асосларини биринчи навбатда, информатика, кибернетика, тизим назарияси ва албатта дидактика ташкил этади.

Республикамиз олимларидан У.Бегимқуловнинг фикрича, таълимни ахборотлаштириш деганда таълим-тарбиянинг психологик-педагогик мақсадларини амалга оширишда замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш, таълим тизимида электрон ахборот-таълим муҳитини ташкил этиш, таълим соҳасининг электрон ахборот-таълим ресурсларини яратиш, компьютер технологияларини жорий қилиш амалиёти ва методологияси билан таъминлаш назарда тутилади [1:52-56].

Таълимни ахборотлашуви шароитида бошқарув компетенциясини ривожлантириш учун жараёни бошқарувнинг кўп даражали тизимидан фойдаланишга тўғри келади. Бунда, ахборот оқими, сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтиб, вужудга келган вазиятни тўлиқ тасвирлаш учун етарлича маълумотни етказиб беради. Аммо, улардан мақсадли фойдаланиш раҳбар шахсига, аниқроғи касбий компетенцияларни эгалланганлик даражасига боғлиқ бўлади [2:84-88].

Бизнинг фикримизча, замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш нафақат бошқарув соҳасидаги касбий билим, кўникма ва малакаларни ривожлантиришда, балким, бошқарув фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланиш, бошқарув вазифаларини ҳал этиш, жараёнларни лойihalаштириш, моделлаштириш, прогнозлаштириш, шунингдек, мустақил ўзини-ўзи шахсий ва касбий ривожлантириш жараёнларида ҳам самарали механизмлардан бири сифатида хизмат қилади.

Электрон педагогика йўналишида илмий изланишлар олиб борган тадқиқотчи Т.Шоймардонов эса, ахборот-коммуникация технологиялари муҳитида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларида таълим оловчиларнинг ўқувчанлик, мустақил таълим ва ўзини-ўзи ривожлантириш қобилияти ортади, ижодий қобилиятлар, ахборотни мустақил излаш ва янги билим олиш, олинган билимларни амалиётда қўллаш қобилиятлари ривожланади [3:11].

Бизнинг фикримизча ҳам, ахборот-коммуникация технологияларига асосланган таълим муҳити ва касбий ривожланиш жараёнларини раҳбар кадрлардаги бошқарув компетентлигини ривожлантиришга қаратилган таълим мазмуни ва технологияларини индивидуаллаштириш ҳамда шахс эҳтиёжларига йўналганлигини таъминлайди.

Ўрганилган манбаларнинг контент таҳлили ҳамда

ўтказилган эмпирик тадқиқотларнинг натижаси сифатида таъкидлаш лозимки, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетенциясининг муҳимлигини англаш учун уларнинг бошқарув вазифалари доирасида:

-таълим муассасасининг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёни;

-педагогик ва академик гуруҳларнинг жамоа шаклига келтириш жараёни;

-таълим тизимининг иқтисодий ривожланиш жараёни;

-илмий-услубий, халқаро ҳамкорлик фаолият жараёни;

-таълим соҳасидаги ахборот ва таълимнинг компьютерлаштириш жараёни;

-фуқаролик институтлари билан ҳамкорликни таъминлаш жараёни бошқариш каби ўзига хос фаолият йўналишларини кўрсатиб ўтишимиз мумкин бўлади.

Бу ўз навбатида, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари ўз фаолиятида ахборот таълим муҳитидан бошқарувнинг мақсади ва предметини ажратиш олишлари, шунингдек, касбий компетенцияларни ривожлантириш ва такомиллаштириш механизмларини белгилаб олиш лозим.

Педагог-психолог олим В.Мариконинг фикрича, муайян бир шахснинг компетентлиги унинг касбий шаклланишига қараганда кўпроқ учрайдиган тавсифномасидир. Бунга кўра, касбий компетентликнинг хилма-хил турларини ажратиш мумкин: махсус (меҳнат жараёни амалга оширишда), ижтимоий (ҳамкорликдаги фаолиятни амалга оширишда), шахсий (ўзини-ўзи бошқариш ва такомиллаштириш малакаларига эга) ва бошқалар. Айрим муаллифлар касбий мулоқотдаги, мутахассис шахсининг ривожланишидаги компетентликни ҳам ажратиш кўрсатадилар[5:42-47].

Бизнингча компетентликнинг компонентлари қаторига когнитив, эмоционал, иродавий сифатлардан ташқари ўзига ишонч (ўзининг касбий билимларига, лидерлик қобилиятига ва б...); қарор қабул қилиш ва унинг ижросини бошқариш малакасига эга бўлиш; қизиқарли умумий мақсадларни қидириш, англаш ва қайтарма алоқани қўллашдаги самарали фаолият; ўзини-ўзи бошқариш, ўзини-ўзи такомиллаштириш қобилиятларига эга бўлиш; ўзини-ўзи назорат қилиш, мослашганлик, мураккаб муаммоларни ҳал қилишга тайёрлик ва таваккалчиликка мойиллик, қатъиятчилик, касбий масъулиятчилик ва бошқаларни қиритишимиз мумкин.

Э.Ф.Зеернинг таъкидлашича, касбий компетентликнинг функционал тараққиётини тадқиқ қилиш касбий камолотга эришиш чоғида компетентликнинг турли кўринишлари интеграциялашиб боришини ва уларнинг касбий муҳим шахс сифатлари билан алоқаси кучайиб боришини кўрсатиш [6:12-14]. Айтиш жоизки, компетентликнинг асосий даражалари касбий тайёргарлик ва тажриба, ўзини-ўзи англаш, ўз кучига ишониш, ўзга инсонлар томонидан кўрсатилган камчиликларни тўғри қабул қилиш ва шу каби бошқа касбий камолотни белгилаб берувчи шахс хусусиятлари қиради. Шу билан бирга, компетентлик таркибида кишининг билим, кўникма ва малакаларига боғлиқ ҳолда бу қобилиятлардан фойдалана олиш имконияти мавжуд бўлади.

Сўнгги йилларда замонавий педагогик тадқиқотларнинг муҳим йўналишларидан бири бўлган компетентли ёндашув масаласи узлуксиз ривожланиб боровчи таълим жараёнларида босқичма-босқич шаклланиб эди.

Таҳлилларга таяндиган бўлсак, бизнинг фикримизча, олий таълим муассасалари раҳбар

кадрларини бошқарув компетентлигини ривожлантиришда акмеологик, тизимли ва функционал-структуралый ёндашув интеграциясига асосланган компетентли ёндашув самарали ёндашувлардан эканлигини таъкиллаш мумкин бўлади.

Бошқарув компетентлиги муаммосига Н.В.Гришина ижтимоий-психологик нуқтаи назаридан ёндашиб у раҳбар компетентлигини “карама-қаршиликлар табиатини тушуниш муаммоларга нисбатан конструктив қарашнинг шаклланиши юзига келаётган вазиятларни таҳлил қилиш, уларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ҳамда уларни бошқаришда деб тушунади [7:67-73].

Бизнинг фикримизча, раҳбарнинг бошқарув компетентлиги, яъни унинг бошқарув жараёнидаги вазифаларни ҳал этишга бўлган конструктив-яъни жараёнлар самарадорлигини оширишга, вазиятни яхшилашга хизмат қилувчи ёндашуви деструктив (низоли, зиддиятли) жараёнларнинг ривожланишига тўсқинлик қилади, низолининг кўпайишини тўхтатади. Бу эса, низоли ҳал қилиш усулини белгилайди яъни, бошқарувчи деструктив жараёнларнинг (зиддиятни) индивидуал ва жамоавий фаолиятга салбий таъсирини тўхтатиб, уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди.

А.Магруппов ўзининг олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежменти интеграциялаш механизмларини такомиллаштиришга оид тадқиқотида раҳбар кадрларнинг бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг муҳим компонентлари сифатида раҳбарнинг иш жараёнида юзига келадиган хатолар, шунингдек уларнинг оқибатларини аниқлаш, камчиликларни бартараф этиш йўллари излаш билан боғлиқ прогнозлаштириш тушунчаларини ажратиб кўрсатади [8:22-26].

М.Мирсолиева олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг касбий компетентлигини таҳлил қилар экан, бу тушунчани бошқарув соҳасида самарали фаолият олиб бориш учун зарур бўладиган билим, кўникма ва малакаларга, шахсий-ижтимоий аҳамиятли сифатларга эга бўлиш, аниқ ва ностандарт вазиятларда

мустақил қарор қабул қила олиш, ўзини ўзи бошқариш ва ҳар бир хатти-ҳаракати учун масъулиятни ҳис этиш билан боғлиқ тайёргарлик даражаси, деб тушунтиради [9:15-17].

Дарҳақиқат, метакомпетенциялар бу раҳбар кадрларнинг ўзини ўзи касбий ва шахсий ривожлантиришда муҳим амалий аҳамият касб этади. Чунки уларни бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг акмеологик кўрсаткичларини белгилаб беради.

Замонавий жамиятда таълим тизимини ривожлантиришнинг стратегик йўналиши – бу бошқарув кадрларининг турли соҳаларда мақсадли мустақил фаолияти асосида унинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, ижтимоий-сиёсий ҳамда шахсий ривожланишидир.

Юқоридаги ёндашувлардан фаркли равишда, бизнинг илмий изланишларимиз, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари томонидан лавозим функцияларини бажаришлари учун уларнинг шахсида ифодаланиши шарт бўлган тажриба, билим ва кўникмалар. Бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг таркибий тузилмаси, шунингдек, олий таълим муассасалари раҳбар кадрлари бошқарув компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган интеграциялашган ахборот-методик таъминотини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратиш белгилаб олинди.

Илмий изланишлар ва таҳлиллар давомида, шундай ҳулосага келиндики, олий таълим муассасалари раҳбар кадрларининг бошқарув компетентлиги - раҳбар шахсининг интегратив сифатлари йиғиндиси тарзида, олий таълим муассасаси фаолиятини режалаштириш, бошқариш ва такомиллаштириш учун зарур ҳисобланган билим, кўникма ва малакалар мажмуаси ҳисобланади. Мазкур жиҳатлар олий таълим муассасалари раҳбар кадрларини шахсий тажрибасида ижтимоий, маданий, лингвистик, таълимий, АКТ, медиа, сиёсий, методик ва метакомпетенциялар тарзида, алоҳида фаолият тури кўринишида ифодаланади.

Адабиётлар

1. Бегимкулов У.Ш. Педагогик таълим жараёнларини ахборотлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш назарияси ва амалиёти. // Педагогика фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. –Тошкент: 2007. 267-б.
2. Otamurodov G.R. Improving methods of the administrator's motivation in management of high education institutions. // ISSN 2056-5852. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences. - United Kingdom, 2016. №8. – P. 84-88.
3. Шоймардонов Т.Т. Педагог кадрлар малакасини ошириши ва касбий фаолияти мониторингини ташкил этишнинг электрон тизими // Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. –Тошкент: 2017. 158-б.
4. Boyatzis Richard E. "The Competent Manager: A Model for Effective Performance". "Hippo Publishing Ltd.", 2008.
5. Марико В.В. Условия для развитие профессиональной компетентности педагога ВУЗа в рамках повышения квалификации. Электронное методическое пособие. Нижний Новгород. 2011.- 56 с.
6. Зимняя И.А. Ключевые компетенции - новая парадигма результата образования//Эксперимент и инновации в школе. 2009. №2.
7. Гришина Н.В. Г85 Психология конфликта. 2-е изд. СПб. –Питер: 2008. –С. 544. ил. (Серия «Мастера психологии»).
8. Магруппов А.М. Олий таълим тизимида стратегик ва функционал менежментни интеграциялаш механизмларини такомиллаштириш: Пед.фан.док. (DcS).дисс. автореф. -Т.: 2017. 31-б.
9. Мирсолиева М. Т. Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг касбий компетентлигини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш. Пед.фан.док. (DcS).Дисс. -Т.: 2019. 225-б.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада олий таълим тизимида ўқув сифатини таъминлаш ва унинг самарадорлигини оширишда ахборот технологияларидан фойдаланиш, олий ўқув юртлари ўртасидаги интеграциянинг тизимини функционал моделлаштириш, раҳбар кадрларда бошқарув компетентлигини шакллантириш ва ривожлантириш, шунингдек, таълимни ахборотлаштириш шароитида тизимли ишларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье даны указания по использованию информационных технологий в обеспечении качества образования в системе высшего образования и повышении его эффективности, функциональному моделированию системы интеграции между высшими учебными заведениями, формированию и развитию управленческих компетенций у руководящих кадров, а также организации системной работы в условиях образовательной информатизации.

SUMMARY

The article gives guidance on the use of information technologies in assurance of education quality in higher education and improve ment of its efficiency, functional simulation of the integration system between higher education institutions, the formation and development of managerial competencies of the personnel, and organization of the system work in the conditions of educational Informatization.